

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада толерантлик намоён бўлиш шакллари тизимлаштиришга ҳаракат қилинган. Толерантликнинг жараён сифатида намоён бўлиш шаклига кўра, муаллиф уларни шартли равишда уч турга ажратди: кўпроқ ҳиссий компонентга эга бўлган жавоб реакцияси, кўпроқ когнитив компонентга эга бўлган муносабат ва кўпроқ ҳулқ-атвор компонентига эга бўлган ҳаракат.

РЕЗЮМЕ. В данной статье сделана попытка систематизации форм проявления толерантности. Автор по форме проявления толерантности как процесса условно разделяет их на три вида: ответная реакция, имеющая больше эмоциональный компонент, отношение, имеющее больше когнитивный компонент и действие, имеющее больше поведенческий компонент.

SUMMARY. In this article, an attempt is made to systematize the forms of manifestation of tolerance. According to the form of manifestation of tolerance as a process, the author conditionally divides them into three types: a response that has a more emotional component, an attitude that has a more cognitive component and an action that has a more behavioral component.

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ОШИРУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ФАКТОРЛАРНИНГ ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ

А.Даукеева – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: касбий компетенция, аксиологик компетенция, предметли-ахборот компетенцияси, ижтимоий-ҳуқуқий компетенция, услубий-технологик компетенция, коммуникатив компетенция, назорат-аналитик компетенция, лойиҳавий-тадқиқот компетенция.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, ценностная компетентность, предметно-информационная компетентность, социально-правовая компетентность, методолого-технологическая компетентность, коммуникативная компетентность, контрольно-аналитическая компетентность, проектно-исследовательская компетентность

Key words: professional competence, value competence, subject-information competence, socio-legal competence, methodological and technological competence, communicative competence, control and analytical competence, design and research competence

Педагогик компетенция ва умуман касбий компетенция ва уни ошириш муаммоси охири йилларда бутун дунё олимларини қизиқтириб келмоқда. Биз ушбу феномен ва у билан боғлиқ атамалар, уларнинг ўқитувчи шахси ва шахс баркамоллигидаги ролини талқин этган бўлсак, энди айнан шу йўналишларда дунё олимлари ва мутахассисларининг фикрларига тўхталиб ўтамиз.

Касбий фаолиятда педагог профессионал компетенцияси ривожлантириш жараёнини ўрганиш бўйича тадқиқотлар устувор аҳамият касб этади. Ўқитувчи фаолияти самарадорлигининг таъминланишида педагог профессионал компетенцияси омилларини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Ўқитувчи касбий фаолият самарадорлигига таъсир қилувчи профессионал компетенция кўрсаткичларини аниқлашга ва тадқиқ қилиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган модель яратилмоқда. Хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи касбий фаолиятда профессионал компетенциясини ривожлантиришнинг замонавий муаммоларини, касбий фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини бери.

Ижтимоий психология фани доирасида тадқиқ этилишини инобатга олиб, шуни таъкидлаш ўринлики, ижтимоий психология шахсини ўрганганда, уни ҳамиша гуруҳ доирасида ҳамда гуруҳий, гуруҳлараро муносабатлар доирасида ўрганади (Г.М.Андреева, А.А.Асмолов, А.К.Батаршев, М.К.Битянова, М.В.Бобнева, Н.И.Викторов, Ю.А.Жуков, Е.И.Кузьмин, А.А.Крилов, Б.Ф.Ломов, А.В.Петровский, К.И.Сельченко, Е.И.Чугунова ва бошқалар). Қатор хорижлик, россиялик ва ўзбекистонлик олимларнинг изланишларида бевосита шахслараро муносабатлар ва уларнинг оқибатлари ўрганилган.

Америкалик тадқиқотчилар - Дж.Равен, Л.Стросс, Дж.Моренолар компетентлиқни - «шахснинг ихтисослиги бўйича аниқ фаолиятни бажаришда зарур бўладиган қобилиятлар мажмуи, малакаларнинг намоён бўлиши, масъулият ҳиссининг мужассамлашуви натижасида пайдо бўладиган тафаккур тури» деб тавсифлайдилар [1].

Профессионал компетенция таркибига кирувчи ўқитувчи ҳулқини ижобий томонга йўналтирувчи психологик омиллар комплексини касбий билимдонлик билан узвий боғлашни назарда тутди.

Ўқитувчида педагогик компетентлиқни ўрганишда ҳамдўстлик давлатлари олимларидан Ш.А.Амонашвили, В.А.Сухомлинский, В.А.Сластёнин, К.Д.Ушинскийлар ўқитувчининг педагогик йўналганлигини; Г.А.Ковалёв, Ю.Н. Кулюткин, А.К.Маркова,

Л.М.Митина, Г.С.Сухобскаялар ўқитувчида касбий ва шахсий сифатларни ривожлантиришни; В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, А.П.Тряпициналар педагогик ижодиётнинг асл моҳиятини; ўқитувчи компетентлиги борасида В.А.Адольф, С.Г.Вершловский, С.Б.Елканов, В.И.Зверева, Н.В.Кузьмина, В.П.Симонов, Е.П.Тонконогаялар замонавий тадқиқотлар олиб боришган. В.Ю.Кричевский, А.В.Хуторский компетентлиқни шахс фаолиятидаги мақсадларни амалга оширишдаги муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида тадқиқ этганлар. Хусусан, педагог олимлардан А.В.Хуторский компетенцияни қуйидагича тавсифлайди: “Дунёқараш асосида, яъни қадрият ва ўзини англаш-ўқитувчининг дунёқараши, тасаввури ва қадрияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. У атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни моҳиятини кўра олади ва тушунади, бунга ўзини йўналтиради, педагог сифатида ўз фикрини асослай олади.

Бу компетенция – ўқитувчининг ўқув ва бошқа фаолиятларидаги ўзини ўзи англаш механизмининг таъминлайди. Умуммаданий – миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиш; мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш; оиласига, урф-одатларга ҳурмат; ижтимоий кўникмаларга эга бўлиш; илм фаннинг инсон ҳаётига ва дунё ривожига таъсирини англай олиши ва ўқувчи ёшларга тушунтира олиши; ўқув ва билиш жараёни – ўқитувчининг мустақил билиш фаолияти; мантикий фикрлаши; ўқув-билув фаолиятини баҳолаши, билим ва кўникмасини таҳлил қила олиши; Маълумотга эга бўлиш – педагогик фаолияти, ўз фанига доир маълумотларни эгаллаш кўникмаси; муомалага киришиш малакаси – тил билиши, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиши, жамоада ўзига хос ўринда туриши; Ижтимоий-фойдали меҳнат-оилавий муносабатлар ва масъулият, жамият ривожидида иштироки, ижтимоий фойдали меҳнат қилиши; иқтисодий ва ҳуқуқий кўникмаларга эга бўлиш; ўз устида ишлаши – жисмоний, маънавий, интеллектуал жихатдан ўзини ўзи ривожлантириб бориши, ўқитувчи ўз ҳиссиётини бошқариши демак-дир-деб таъкидлаб ўтади” [2]. Компетенция-интеграл сифат бўлиб, маълум бир тақилотда бирон касб бўйича ва айни лавозимга хос фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур билим, касбий малака ва кўникмалар мажмуидан иборат. Компетентлик педагогнинг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва тақиллий-технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини тасвирлайди. В.П.Топоровский ўз тадқиқотларини умумлаштириб, компетентлиқ педагогнинг бошқарув йўналишидаги

тушунчалари даражаси, унинг индивидуал қобилиятлари ва малакаси, ўзини ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим жараёнини бошқариш имкониятлари билан боғлиқ эканлигини исботлаган. Унинг хулосаларидан шу нарса аён бўлдики, педагогнинг касбий компетентлиги ўз ичига қуйдаги асосий компонентларни олади:

А) ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи рефлексив кўникмалар;

Б) ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларининг натижаларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини ҳис этишни ифодаловчи олдиндан кўриш кўникмалари;

С) таълим-тарбия жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси; ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ва вазиятларга кўра, педагогик услублардан оқилона фойдаланиш кўникмаси. Демак, педагогнинг касбий компетентлиги уларнинг таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари даражаси, ташкилотчилик, бошқарувчилик, педагогик қобилияти ва кўникмаси, ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга нисбатан мойиллиги, таълим жараёни фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш имкониятлари орқали аниқланади деб айтишимиз мумкин [3].

Россиялик тадқиқотчилардан А.К.Маркова касбий компетентлиқни меҳнат психологиясининг умумий контекстида қараб чиққан ва меҳнатнинг ҳар қандай самарадорлиги ушбу феномен билан боғлиқ бўлишини исботлашга уринган [4]. Н.В.Кузмина эса ўзининг “Ўқитувчи ишлаб чиқариш таълим устасининг шахсий профессионализм”и деб номланган тадқиқот ишида компетентлиқни педагогик фаолият контекстида ўрганиб, уни “шахс хусусияти” сифатида ўрганган ва шунга урғу берган [5]. Россияда чоп этилган адабиётлар ва уларда келтирилган тадқиқотлар натижалари асосида касбий-педагогик компетентлиқнинг қуйидаги кўринишларини ажратишга муваффақ бўлдик: 1. Аксиологик компетенция қуйидагилардан иборат: инсон шахсияти, индивидуаллигини ўзи баҳолашни билиши; касбий-педагогик фаолият мақсади ва амалга оширилишини билиши; касбий-ахлоқий маданиятга эғалик; Ўз касбини ҳаёт мазмунинг манбаи сифатида қабул қилиш; Ўқувчилар таълим жараёнини ижтимоий-маданий кадриятлар сифатида ўзлаштиришни билиш; Педагогик фанларнинг инсон-парварлик дунёқараш вазифаларини билиш. 2. Ижтимоий-ҳуқуқий компетенция қуйидагиларни ўз ичига олади: Таълим жараёни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосларини модернизациялаш ғояси контекстидаги билимлар; Техника хавфсизлиги, меҳнат хавфсизлиги меъёр ва қоидаларини бажариш; Болалар ва ўсмирларни ижтимоий муҳитнинг турли салбий таъсирларидан ҳимоялаш кўникмаси; Таълим жарёни даврида таълим олувчиларнинг саломатлиги ва ҳаётини ҳимоялашни таъминлаш кўникмаси; Таълим ва гуруҳ ҳужжатларини юритиш кўникмаси. 3. Предметли-ахборот компетенцияси қуйидагилардан иборат: Касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳажмда умумий ва махсус назарий фанлар асосларига оид билимлар; Педагогик фанлар ва таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболларига оид билимлар; Ахборотнинг турли манбалари (нашр этилган, электрон, Интернет) билан ишлаш кўникмаси; Ахборотни унинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб самарали ишлаш усул-

ларини билиши. 4. Услубий-технологик компетенция қуйидагилар иборат: Касбий фаолиятнинг ижодий жиҳатларини тушуниш ва амалга ошириш; Ўз малакасини такомиллаштириш бўйича мустақил таълимга тайёрлиги; Таълим дастурлари ва дарсликлари, улар асосида йиллик, таквим-мавзуий режаларини ишлаб чиқиш кўникмаси; китадиган предметининг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда ўқув ва дарсдан ташқари фаолиятда ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясини амалга ошириш; Турли методлар, усуллар, таълим воситалари (шу жумладан ЎТВ, компьютер) ни қўллай олиши; Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини билиши, таълимга бўлган мотивацияни ҳосил қилиш мақсадида уларни татбиқ этиш кўникмаси; Шахснинг барча йўналишдаги маданиятини шакллантириш билан боғлиқ гуруҳ раҳбари вазифаларини бажаришга тайёрлиги; Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва зарур психик механизмлардан самарали фойдаланиш; Ўқувчи шахсини ривожлантириш учун тарбиявий ва коррекцион ишларни олиб боришнинг турли воситалар билан ўзаро таъсири (ўқувчилар жамоаси, оила қўшимча таълим тизими, маънавий-маърифий фаолият ва ҳ.к.). 5. Коммуникатив компетенция қуйидагилардан иборат: Ҳамкорликдаги таълим фаолиятини ташкил этиш кўникмаси; Толерант ҳулқ кўникмаси. Зиддиятли вазиятларда самарали стратегия йўлини танлаш кўникмаси; Таълим муассасаси жамоасини демократик бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришда иштироки; Ўқувчиларни ижтимоийлашувига ёрдам бериш; Ўзининг илмий-услубий фаолияти натижаларини намоён эта олиш кўникмаси. 6. Назорат-аналитик компетенция қуйидагилардан иборат: Яхлит педагогик жараённи турли ташкил этувчиларининг психологик механизмларини таҳлил этиш кўникмаси; Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларидаги рефлексив фаолиятга тайёрлиги; Таълим натижаларини баҳолашнинг анъанавий ва замонавий воситалари (тестлар, рейтинг, портфолио) га эғалик; Ўқувчи шахси ва жамоасини психологик-педагогик диагностикасининг турли воситаларига эғалик. 7. Лойиҳавий-тадқиқот компетенцияси қуйидагилардан иборат: Ўз касбий фаолиятидаги нуқсонларни фаҳмлай олиши ва шу асосда уларни бартараф этишнинг долзарб масалаларини шакллантириш кўникмаси; Таълим жараёни иштирокчиларини уни ташкил этишнинг барча босқичларида ўзаро таъсири мазмунини ва методларини режалаштириш кўникмаси; Ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш асосларини билиши ва таълим мазмунини амалга ошириш учун ундан фойдаланиш кўникмаси; Болалар, ўсмирларнинг ижтимоий дезадаптациясини прогностлаш ва уларни профилактикасини лойиҳалаштириш. Психологик-педагогик тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўникмаси.

Касбий-педагогик компетенцияни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ўта мураккаб педагогик муаммо ҳисобланиб, унинг долзарблигини баҳолаш ҳам мушкулдир. Ўқитувчи касбий компетенциясида педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиши ҳамда ўқитувчи ўз устида ишлаши билан боғлиқ шаклланиб боради. Ўқитувчи иш тажрибасида таълим жараёнини самарали бошқариш ўқувчиларда ўқув мотивациясини шакллантиришга қаратилган бўлади. Яна бир рус олими академик В.А.Сластенин эса компетентлиқни шахснинг коммуникативлик, конструктивлик, ташкилотчилик қобилиятлари мажмуи таркибида тадқиқ этди. Замонавий педагог-психолог таълим сифати ва узлуксизлигини таъминлаш ва ўзининг касбий даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориши, инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида ўқув жараёнини узлуксиз такомиллаштириб бориши, касбий масалаларни ечишга мойил бўлиши шарт.

Педагогик изланишларда касбий компетенция ўқитувчининг ижтимоий кўникмалари доирасида қаралиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

- фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, унга ижодий ёндашиш;
- ўзини ўзи намоён қилиш, вазиятни таҳлил қила олиш;
- педагогик жараён иштирокчилари билан ижтимоий мулоқотда бўлиш; ўз устида тинимсиз ишлаш;
- вазиятни баҳолаш ва муаммоларни ечиш, бошқарув кўникмасига эга бўлиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, замонавий педагог-психологнинг компетенцияси – ўз мутахассислиги ва ихтисослиги доирасида билим, кўникма, малакага эга бўлиши билан белгиланади ва шахсий кадриятлари, сифатлари,

Адабиётлар

1. Баратов Ш.Р., Фарапонова Э.А. Учителям начальных классов о развитии положительного отношения школьников к труду. В сб. Психологические аспекты совершенствования подготовки учительских кадров в педвузах и университетах в условиях непрерывного образования. –Ташкент: 1991.- С.169-170.
2. Хуторский А. В. Составляющая педагогической компетентности. –Москва: Сентябрь, 2010.- С.56.
- 3.Токарева В.А. Психология нравственного развития личности. //автореф. дисс. ... докт. психол. наук. – М.: 1991. –С.43.
4. Маркова А.К. Психология труда учителя. – М.: 1993. –С. 192.
5. Кузьмина Н.В. Способность, одаренность, талант учителя. -Л.: 2005. –С. 32.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолада педагог-психологнинг касбий компетенциясида педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиши ҳамда ўқитувчи ўз устида ишлаши, иш тажрибасида таълим жараёнини самарали бошқариши ўқувчиларда ўқув мотивациясини шакллантиришда ижтимоий психологик факторлар ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье изучаются социально-психологические факторы формирования учебной мотивации у учащихся профессиональной компетентности педагога-психолога, обладающего знаниями в области педагогики и психологии, а также работа учителя над собой, эффективное управление учебным процессом в школе, опыт работы.

SUMMARY. This article studies the socio-psychological factors in the formation of educational motivation in students, the professional competence of a teacher-psychologist with knowledge in the field of pedagogy and psychology, as well as the work of a teacher on himself, the effective management of the educational process at school experience.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Р.Х.Душанов – психология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Таянч сўзлар: “психологик хизмат” концепцияси, психология соҳасида кадрларни тайёрлаш, кадриятлар тизими ва йўналганлик, мотивацион соҳалар, хизмат жараёнидаги стрессоген омиллар, психометрик тест ва сўровномалар, психологик муҳофаза.

Ключевые слова: понятие «психологическая служба», подготовка кадров в области психологии, система ценностей и направленность, мотивационные направления, стрессоры в процессе службы, психометрические тесты и опросники, психологическая защита.

Key words: the concept of "Psychological Service", training in the field of psychology, system of values and orientation, motivational directions, stressors in the process of service, psychometric tests and questionnaires, psychological protection.

Инсон психологиясини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор бериш масаласи барча замонлар ва давлатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи вазифаларидан бири бўлиб келган.

XXI асрда психология фани ва унинг илгор вакиллари ўзларининг оламшумул илмий мақсадлари – инсонга, айни пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг мукаммаллигини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлдilar.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев таъкидлагандек, «Олдимигда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди» [1:45].

Чунки, бугунги кунда, психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш – ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб, одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак [2:12-122].

Умуман, психологик хизмат кўрсатиш муаммоси муайян маънода, илмий психологиянинг етакчи йўналишларидан бири сифатида кўп бор мунозаралар манбаи бўлган. Бу ҳақда қадимги ва дастлабки психологик тасаввурлар макони бўлмиш Ҳиндистон, Хитой, Миср, Вавилон, Ўрта Осиё, Греция, шунингдек жон (рух) ҳақидаги биринчи китобнинг муаллифи Аристотель ва темперамент (мижоз) таълимотининг

квалификациясининг намоён бўлишида ифодаланади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, қомил инсонни шакллантиришда ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Ҳар соҳада компетент ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонунқоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаёти, амалий педагогик жараён эса жуда хилма – хил ва турли турмандир. Унда педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик компетентликни ва ижодкорликни талаб этади.

асосчилари Гален, Гиппократ ва Ибн Синолардан тортиб, то ҳозирга қадар чет эл (И.В.Дубровина, Г.М.Андреева, Л.П.Грицак, А.А.Столин, Х.И.Лейметс, Ю.Л.Сизерд) ҳамда Ўзбекистон психологлари (М.Г.Давлатшин, Э.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Р.Ғайнутдинов, В.М.Каримова, Ш.Р.Баратов, З.Т.Нишонов, Н.А.Соғинов ва бошқ.) ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Тарих ва ижтимоий ҳаёт тамойиллари шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда юксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топтирилиши, аввало, ҳар бир фаолият кўрсатувчи шахсдаги ўзига хос психологик салоҳиятнинг нечоғлик тўла-тўқис намоён этилаётганлиги билан белгиланади. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг порлоқ келажагини одамлардаги ижодий, интеллектуал ва маънавий тараққиёт йўлида хизмат қилувчи давлат механизми тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, ҳозирги кунда барча ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва руҳий баркамоллигига ҳамда ундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўллари излашга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан